

Qishloq hayoti

2012 йил Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 15-MART, PAYSHANBA, 33 (7962) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Baholi kelishilgan narxda.

Куннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизда кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, мева кўчатлари, сабзавот ва полиз уруғлари сотишга ихтисослашган деҳқон дўконларини ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллари, тижорат банклари ходимлари, олимлар ва фермерлар иштирок этди. Тадбирда соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хўжаликларга кўплаб кўчатлар, турли экинларнинг сифатли уруғларини етказиб бериш, бундай дўконлар сонини кўпайтириш ҳақида фикр алмашилди.

► Тошкент вилояти Қибрай туманида битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида яқинда Байтқўрғон иқтисодий ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Мазкур ярмаркада қирқдан ортиқ корхона ва ташкилот беш юзга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада 36 нафар битирувчи коллежни тамомлагандан сўнг иш бошлаш учун тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартнома имзолади.

► Андижон шаҳридаги Бахт уйида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Асл либослар" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган модельер-дизайнерлар энг яхши коллекциялари билан иштирок этди. Танлов якунида бир қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, улар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фарғона Вилояти

ЙИЛ ДАСТУРИ — АМАЛДА



Ёш оиланинг орзуси ушалди



Мамлакатимизда истиқлол йилларида халқ фаровонлигини ошириш, жумладан, уй-жой қурилиши соҳасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Жойларда кўплаб замонавий турар-жойларнинг барпо этилаётгани аҳолининг, хусусан, ёш оилаларнинг барча қулайликларга эга уй-жой билан таъминланишига хизмат қилмоқда. Фарғона шаҳрида бу борада изчил ишлар бажарилмоқда. «Ипотекабанк»нинг Фарғона вилоят филиали томонидан 2011 йилда 68 хонадонли иккита беш қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий шарт-шароитлар яратилган уй-жойлар ёш оилаларга, уларнинг имкониятларини ҳисобга олиб узоқ муддатли кредитга берилди.

— Мен иқтисодчи, турмуш ўртоғим эса мактабгача таълим муассасасида ишлайди, — дейди Асрор Тожибоев. — Кенг, шинам, барча қулайликлар, замонавий дизайнга эга уй — бизнинг орзуимиз эди. Давлатимиз томонидан ёш оилаларга кўрсатилаётган бу каби юксак эътибор ва ғамхўрликдан миннатдорمиз.

Мустаҳкам оила йилида банк томонидан яна олтита кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган.

Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

САҲИФАЛАРДА:



КўКЛАМНИНГ КўРКАМ БОҒЛАРИ 2



ЯПОН ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИ 3



ТАБИАТ — МОҲИР ҲАЙКАЛТАРОШ 4

КЎКЛАМНИНГ КЎРКАМ БОҒЛАРИ

Серқуёш дийримиш узра баҳор насимлари эсмоқда. Наврўзга ҳамоҳанг тарзда шахару қишлоқларимиз узра ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин паллага кирди. Боғбонларимиз мўл ҳосил етиштириш мақсадида боғу тоқзорларга оро бераётди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониغا мувофиқ боғларни қайта тиклаш, узумзорларни кенгайтириш, янги боғ-роғлар барпо этиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликдан маълум қилишларича, жорий йилда 7 минг 650 гектардан кўпроқ майдонда янги боғ, 2 минг 110 гектарда интенсив боғ, 3,5 гектарда узумзор яратилиб, 8 минг гектар боғ ва 6 минг гектардан зиёд тоқзор қайта таъмирланади. Ҳозиргача қарийб 2,5 минг гектарда мевали дарахт кўчатлари ва 1,5 минг гектарда тоқ қаламчалари экилиб, 6,5 минг гектар узумзор қайта таъмирланди. Боғ ва тоқзорларга шакл бериш, сугориш, минерал ва маҳаллий ўғит солиш каби агротехника тадбирлари жадал давом эттириляётди.

Баҳорнинг ҳар кунини ганимат билиб, ундан унумли фойдаланаётган фермерларнинг ҳам айни кунларда дала юмушлари авжида.

Бундан 16 йил аввал 6 гектар майдонда боғ ва тоқзор яратган эдик, — дейди Фарғона тумани «Турон чашмаси» фермер ҳўжалиги раҳбари Солижон Мирзажонов. — Ҳозир ҳўжалигимиздаги тоқзор ва мевазор ҳудуди 30 гектардан ошди. Кўчат етиштиришни йўлга қўйдик. Бир неча йилдан буён юртимизнинг барча ҳудудларига турли мевали дарахт ва гул кўчатлари етказиб бермоқдамиз. Жорий йилда буортма асосида бодом, гилос, нок, беҳи, шафтоли каби мевали дарахтларнинг 500 минг дона кўчатини етиштирдик.

Бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш халқимизга хос фаилатлардандир.

— 2010 йилда 2 гектар майдонда ўрик ва бодом кўчатлари экан эдик, — дейди Миришкор туманидаги «Сафар ота» фермер ҳўжалиги раҳбари Бахтиёр Сафаров. — Жорий йилда яна бир гектарга олма кўчатларини эдик. Шунингдек, 5 гектар майдондаги тут қаторлари орасидаги хатоларини тўлдириб, дала четларига ҳам манзарали кўчатлар ўтказяпмиз.

Дийримиш ўзининг ширин-шакар неъматларга бой боғлари билан доврўқ қозонган. Айни вақтда эзгу ниятлар билан экиляётган ҳар бир дарахт яшил ҳудудлар кенгайишига, бозорларимиз тўқинлиги ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалишига хизмат қилади.

Зангиотта туманидаги «Миришкор Сайфиловна Хонзода» фермер ҳўжалиги фаолияти ҳам бунга яхши мисолдир. Ҳўжалик аҳли 2010 йили 12 минг дона олма, нок, гилос кўчатлари экиб, 9 гектар майдонда боғ яратди. 7 гектар майдонда мевали ва манзарали дарахт ни-

ҳоллари ва атиргул кўчатлари кўпайтиришни йўлга қўйди.

— Жорий йилда боғимизни яна 6 гектарга кенгайтириш мақсадида олма кўчатлари эдик, — дейди ҳўжалик раҳбари Заҳ-



риддин Сайфиiddинов. — Кўчатзорларимизда етиштирилган 45 минг дона кўчатни экспортга чиқардик. Айни вақтда яна 12 минг дона олма, гилос, 10 минг дона терак ва 30 минг дона турли хилдаги атиргул кўчатлари тайёрлаб қўйилди. Мақсадимиз — қишлоқ ва шахарларимизни, маҳаллаларни, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ўз хиссамизни қўшиш. Ҳозир кўчатлар савдо дўконимиз орқали харидорларга етказиб берилмоқда.

Р.Шредер номидagi боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадиққот институтида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштириш борасида ўзига хос мактаб шаклланган. Кейинги беш йилда мева ва узумнинг касалликларга, қурғоқчиликка чидамли, маҳаллий иқлим шароитига мос, серҳосил йигирмага яқин янги нави яратилиб, давлат реестрига киритилди.

Бу ерда илмий ҳодимлар тоқ ва мевали дарахтларнинг янги навларини яратиш, уларни кўпайтириш борасида фаол изла-

ниш олиб бормоқда. Ҳар бир дарахт ёки тоқ нави илмий ҳодимлар томонидан ўрғанилиб, муайян ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мослиги аниқланганидан сўнг кўпайтирилмоқда. Мисол учун, «Сўғдиёна» қора кишмиши, «Самарқанд» оқ-пушти кишмиши ҳосилдорлиги, донларининг катталиги, тезпишарлиги ва майзболлиги тўғрисида фермерларга маълум келмоқда.

Мева ҳамда узумдан мўл ҳосил етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмини ошириш аввало серҳосил дарахт турларини кўпайтиришга боғлиқ. Шу боис, институтда ҳозирги кунда тўрт миллион дондан зиёд манзарали ва мевали дарахт, тоқ ҳамда гул кўчати тайёрланиб, аҳоли ва фермер ҳўжалиқларига етказиб берилмоқ-



НаВоиў Вилояти

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини суворини учун тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ўртасида ўтказиб келинаётган аънанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари бўлиб ётмоқда.

Ҳозиргача вилоятнинг Конимех, Навбахор, Қизилтепа, Томди, Нурота туманларида ўтган танловларда тегишли йўналишлар бўйича голиблар аниқланиб, уларга вилоят босқичида қатнашиш учун йўлланмалар берилди.

Навоийда «Ширин» маданият саройида бўлиб ўтган «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг шахар босқичида эллидан зиёд тадбиркор ва хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Танловда «Кўшчинор гўшт» ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари Анвар Ҳасанов «Энг яхши тадбиркор», Ўзбекистон Бадий академиясининг шахар бўлими ҳодими Юрий Кузнецов «Энг яхши хунарманд» номинациялари бўйича голиб деб топилди. Шунингдек, бошқа бир қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Голиб ва совриндорларга диплом ва эсдаллик совғалари топширилди.

Ёркул УМАР,
ЎЗА МУХБИРИ.

Қашқадарё Вилояти

ХАМЖИХАТ МАҲАЛЛА

ДИЛДА ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН

Қарши шаҳридаги Навоий номли маҳаллада бўлсангиз, ҳар кун бир ангеликнинг устидан чиқасиз. Негаки, бунёдкорлик туйғуси билан яшаётган одамлар ҳар кун бирон янгилик қилган бўлади-да. Яқинда ҳудудда «Истиқлол» номли чойхона ишга тушди. «Назира» ишлаб чиқариш корхонасида эса жиҳозлар, мебеллар тайёрланмоқда. Ёш, истеъдодли усталарнинг маҳорати тасанно айтасиз.

Тикувчилик цехида касб-хунар коллежларида таҳсил олиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшлар меҳнат қилишмоқда. Сайфулла Назаров, Шокир Холиқов, Фулом Хикматов каби тадбиркорлар ҳар бир тадбир ва маросимда бошқош. Улар нафақат боқувчисини йўқотган ёхуд кам таъминланган оилаларга меҳмурувват кўрсатишади, шу билан бирга, қурилиш, ободончилик ишларида ҳам барчага намуна бўлишяпти. Масалан, тадбиркор Шокир Холиқов ва Илхом Омоновлар тўрт кило-

метр йўлни асфальт қилишга кўмаклашишди.

Ҳудуддаги «Жайхун» хизмат кўрсатиш комплексида асосан ёшлар меҳнат қилишади. Бу ерда меҳмонхона, ёниги қўйиш шохобчаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида «Зарафшон эко» хусусий корхонаси барпо этиляпти. У ҳам ишга тушса, ўйлаб ёшлар иқтисодий фойдали меҳнат билан банд бўлади.

— Маҳалламизда кўпчилик тадбиркор, — дейди маҳалла раиси Райим Маматмуродов. —

30 дан ортқ хонадон сохиблари қишда ҳам ҳар қарич ердан самарали фойдаланадилар. Рўзи Хожимуродов икки сотих ерда помидор ва бодрингдан мўл ҳосил етиштиряётган бўлса, Ваҳоб Қодиров 1,5 сотих ерда лимон парварлашяб келмоқда. Турсунтош ая Жалилова ҳам лимон, турли хил кўкатлар етиштиришда катта тажриба тўплаган.

— Томорқадан нафақат ёзда, балки қишда ҳам мўл ҳосил олиш мумкин, — дейди тадбиркор Отабек Қодиров. — 3,5 сотих ерда лимон, бодринг, помидор экиб, ҳар йили 5-6 миллион сўм қўшишча даромад оляпмиз. Йил сайин тажрибамиз ҳам ошиб боряпти.

Маҳаллада беш минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 19 та савдо дўкони, 10 та маиший хизмат кўрсатиш тармоғи мавжуд.

Маҳалла фуқаролар йиғини



биносиди иш бошлаган тикувчилик цехи иши билан ҳам яқиндан танишдик. Цех бошлиғи Чарос Исломованинг айтишича, бу ерда беш нафар қиз меҳнат қилишяпти. Мафтуна Нуралова, Нарғиза Кенжаевалар рўмол тўқиш, парда тиқиш билан бирга зардўзликнинг ҳам ўзига хос сир-асрорларини пухта ўзлаштириб олишган.

Саришта ва обод маҳалла кўчаларини айланар эканмиз, эл-юрт ишига камарбасталик туйғуси билан яшаётган, меҳнат қилаётган кишиларга ҳавасимиз келди.

Маҳалла аҳли ана шундай эзгу ниятлар билан аҳил-иноқ яшашмоқда.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
«Qishloq hayoti» МУХБИРИ,
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Сургарё Вилоят

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

ҲАМ СПОРТЧИ, ҲАМ ИХТИРОЧИ

Сайёра опа фарзандларини ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсон қилиб тарбиялаш мақсадида уларни болалигидан спортга ошно этди. Қизи Маликабонуни таэквондога, ўғли Шаҳзодбекни эса бокс тўрагагига берди. Ўшанда Маликабону 6 ёшда эди. У Ховос туманидаги 9-умумтаълим мактаби қошида Осиё чемпиони Аҳад Нодиров устозлигида машғулотларда қатнаша бошлади.

Сўнгра ушбу мактабда таҳсил олиб, турли мусобақаларда фаол қатнашди. "Мактаб маликаси" қизлар кўрик-танлови голибаси бўлди. Маликабону она тили, инглиз тили, тарих, математика, физика, кимё ҳамда информатика фанларига қизиқиб, уларни пухта ўзлаштиришга астойдил киришганди. 2009 йилда 9-синф ўқувчилари ўртасида информатика фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг вилоят босқичида совринли ўринни эгаллади.

Ўқиш давомида спорт бўйича кўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ҳам ортиб борди. 2005 йилда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 35 кг. вазн тоифаси бўйича кумити баҳсларида 1-ўринни кўлга киритди. Ката баҳсларида Маликабону 1-ДАН, яъни қора белбоғ соҳибаси бўлди. 2007 йилда ана шундай мусобақада яна 1-ўринни эгаллаб, Осиё мусобақасига йўллани кўлга киритди. 2008 йил май ойида пойтахтимиздаги "Жар" спорт комплексида бўлиб ўтган Осиё мусобақасининг кумити баҳсларида 1-ўринни,

ката бўйича 3-ўринни эгаллаб, 3-ДАН даражасига кўтарилди. Осиё чемпиони бўлгач, унга "Тренерлик сертификати" ҳам беришди.

Маликабонуга ўтган йили апрель ойида "Ўзбекистон спорт устаси" гувоҳнома маси берилди. Кейинчалик 21-22 август кунлари Нукус шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ва катталар ўртасидаги Осиё мусобақасида қатнашиб, иккита олтин медални кўлга киритиб, 4-ДАН соҳибаси бўлди. Айна пайтда эса унинг 80 дан ошқ медал, 100 дан зиёд сертификати, кубоклари бор. Кўлга киритаётган ютуқлари зукколиги ва аъло ҳули тўғайли Маликабону бу йил Маданият йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди.

— Биринчи марта Ўзбекистон чемпиони бўлганимда олим хонамга медалларим ва дипломларим учун махсус катта жавон ясаптириб, "Қизим, келажакда шу жавонинг медалларинг ва дипломларингга тўлсин", дея дуо қилгандилар, — дейди Маликабону. — Мен у пайтда шунча медални кўлга киритишимга ишонмагандим. Мана орадан



йиллар ўтиб, жавоним тўлди.

Маликабону учун 2011 йил изланишлар йили бўлди, дейиш мумкин. У "Келажак овози" республика кўрик-танловида "Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар" йўналиши бўйича ўзининг "Маҳаллий ўғитлардан биогаз ишлаб чиқариш" лойиҳаси билан қатнашди. Унинг лойиҳасига қўра, маҳаллий ўғитдан фойдаланган ҳолда газ ишлаб чиқариш гоёси илгари сурилади. Лойиҳа-

сини такомиллаштириш борасида у физика ўқитувчиси А.Сангиловнинг фикр-мулоҳазаларига амал қилди. Май ойида эса "Маликабону" хусусий тадбиркорлик фирмасини очишга муяссар бўлди. Лойиҳасини амалга татбиқ қилиш учун Боёвот шаҳарчасини танлади. У техника-уқуналарини пул сарфлаб, чет элдан сотиб олгани йўқ. Аксинча, уларнинг барчаси макетга қараб жойининг ўзида асалди. Октябрь ойида биогаз қурилмасидан фойдаланила бошланди. У мазкур лойиҳаси билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиладиган "Менинг бизнес гоём" тадбиркорлик танловига ҳам қатнашиб, республика босқичида голиб бўлди.

Маликабону айна пайтда Гулистон давлат университети қошидаги Янгир академик лицейининг битирувчиси. У ҳамма нарсани ўз вақтида қилишга одатланган. Ўқишда аъло баҳоларга ўқиш билан биргаликда жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Шу йилдан бошлаб у ўзи таҳсил олган мактабда спортнинг таэквондо тури бўйича сабоқ бермоқда. Ҳозирда унинг 30 дан ортиқ шогирди бор.

Тенгдошлари ҳавас билан қарашадиган Маликабону Нарзуллаева ана шундай интилиш ва изланиш самарасини кўраётган ёшлардан.

Шаҳло АБДУСАИДОВА

«УМИД ДАРАХТИ» - ЯХШИ АСАРНИНГ ИККИНЧИ ЁШЛИГИ

Бу драматик пьесанинг ёзилганига тахминан 40 йил бўлди. Ўшанда биз асар муаллифи билан ёзги таътили мазмуни ўтказиш мақсадида Фарғона сафарига олгангн эдик. Машинкадан эндигина чиққан пьесани поездда йўл-йўлакай ўқидик. Узоқ давом этган баҳс ва мунозараларимиз «Пьеса театрда қўйилса, томошабинга манзур бўлади», деган ҳулоса билан якунланди.

Муаллиф — Ўткир Ҳошимов мулоҳазали, фикри теран ижодкор бўлганлиги сабабли унчалик шошилмади. У асарни кўплаб устоз ижодкорлар чигиринидан ўтказди. Биринчи бўлиб Ўзбекистон телевидениесининг таниқли режиссёри Мираббос Мирзааҳмедов пьеса устида иш бошлади. Ниҳоят икки қисмдан иборат "Инсон садоқати" номли бу асар экран юзини кўрди. Бош ролларни истеъдодли санъаткорлар — Икрома Болтаева, Махсум Юсупов, Ёқуб Аҳмедов, Толиб Каримовлар ижро эттиди.

Асар театр режиссёрлари эътиборига ҳам тушди. Республикамининг бир неча театрлари томонидан сахналаштирилди. Яқинда Ёш томошабинлар театри ижодкорлари томонидан мана шу пьеса асосида ишлаган "Умид дарахти" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

— Мен "Инсон садоқати"нинг телевизион вариантини кўрган кунимдан бошлаб, уни бIRON-бир театр сахнасига олиб чиқиш орзуси билан яшардим, — дейди режиссёр Тожибой Исроилов. — Лекин турли сабаблар билан орзум амалга ошмай қолганди. Қарангки, шу орада Ёш томошабинлар театри маъмурияти бIRON-бир асарни сахналаштириб беришни тақлиф қилиб қолди. Роза бўлдим. Эртасига "Инсон садоқати" пьесасини кўлга олиб театрга бордим. Жамоа ушбу асарни сахналаштиришни бир овоздан маъқуллашди.

Пьесада ҳар бир персонажнинг ўз ўрни бор. Ҳатто эпи-

зодик образлар ҳам воқеалар ривожини янада жонлантириб, асар гоёсини очишга муносиб ҳисса қўшган. Бу хусусида гап борганда, айниқса, пьесадаги бош қаҳрамон — Элёрнинг ёшлиги саҳнасини ижро этган бола — Барот Ҳасановнинг истеъдоди таҳсинга лойиқ. У ҳали ёш бўлишига қарамай, ўз қаҳрамонини аъло даражада очиб бера олган.

Асар аспирант Элёр (артист Раҳматилла Қурбонов)нинг тўсатдан бошланган юрак хуружи тўғайли шифохонага тушиб қолишидан бошланади.

Шу тариқа асар воқеалари ривожланиб боради. Саҳнага Ота (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдумарфў Қодиров) ва Она (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Абдулазизова)нинг кириб келиши драматизмин янада кучайтиради. Уғил — Ота — Онанинг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзлари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Меҳнат таътилини ўтказиш учун сафарга кета туриб бир дам бўлса-да ташлаб кетган ўғилни қуриб ўтиш ниятида у ишлаётган институтга борган ота ўғлининг шифохонага тушиб қолганини эшитиб касалхонага келади. Юзма-юз қуришган ота-ўғилнинг муносабатлари бирма-бир саҳнада очиб борилади. Ота руҳан эзилди, агарда оиласи бузилиб кетмаганига эди, ўғли бу аҳволга тушмаган бўларди. Шу дамда ўғил олдида қилмиши учун жавоб берадиган пайт келганини англаб етади. Нима қилмоқ керак? Қандай йўл тутсинки, бу ботқоқдан чиқиб кетсин? Бир-

гина йўл — бутун айбни она томонга ағдариш. Мухими, бу саҳналар персонажларнинг кўрүк гап-сўзлари билан ўтмайди. Улар режиссёрнинг топқирлиги тўғайли кичик-кичик кўринишда томошабин эътиборига ҳавола этилади.

Асарда Зайнура Муҳамедова ижро этган Фарида образи севгисига вафодор қизни гавдалантиради. Севгилиси Элёрнинг оғир хасталикка чалинганини эшитган Фарида Элёрни тушқунликка тушмаслигини, албатта, соғайиб кетишини қайта-қайта такрорлайди.

Спектаклда Қосимжон (А.Сариков) образи ҳам ўзига хос тарзда очиб берилган. Тадбиркор йигит ўткинчи дунёнинг орзу-ҳавасларини маишат қилиш, аёлларни ўзига мафтун этиб, кўнглини овлашдан иборат деб билади. Талаба қиз — Лола ҳам шу ағдовларнинг қурбонига айланади. У Қосимжоннинг бевандларвоз сўзларига учиб, унга кўнгли қўяди. Лекин йигит энди бепарво. Лола эса ҳомиладор. Қизининг оху нола-ларини эшитган Элёр Қосимжонга Лолани қайтаришини айтади. Бу эса Қосимжоннинг газабини кўзгайди. У Элёрга шифокорлар яшириб келаятган сир — оғир хасталигини айтиб аламидан чиқмоқчи бўлади. Шу ўринда Қосимжоннинг ички дунёси томошабин кўз ўнгиде янада равшанлашади. Аммо "Мен ўлимдан қўрқмайман, лекин ҳаётда сенга ўхшаш манкуртлар борлигидан қўрқаман", дейди Элёр.

Пьесанинг "Умид дарахти" деб аталишида ҳам рамзий маъно — инсон ҳамиша келажакка интилиб, орзу-умид билан яшашига бўлган ишора бор.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг ушбу пьесаси Ёш томошабинлар театри сахнасида узоқ яшайди ҳамда кўплаб мухлислари қалбидан муносиб ўрин эгаллайди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ



ЯПОН ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИ ТОШКЕНТДА ЗАМОНАВИЙ ЯПОН ФИЛЬМЛАРИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган мазкур тадбир «Ўзбекино» Миллий агентлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси, Япония фонди ҳамда ушбу давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманнинг очилишида «Ўзбекино» Миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи А.Исҳоқов Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар кўплаб соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган мамлакат. Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан Япония мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида кинематография йўналишидаги ҳамкорлик ҳам кенгаймоқда. Икки мамлакат ижодкорлари Ўзбекистон ва Японияда ўтказиладиган кинофестивалларда мунтазам иштирок этиб келаятир.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги — муҳим сана, — деди Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ёсиҳиса Курода. — Замонавий япон фильмлари кўнлари мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мазкур кино анжуман давомида япониялик кино устаслар томонидан суратга олинган турли жанрлардаги «Банко — мен, оилам ва итим ҳақида ҳикоя», «Гибискус меҳмонхонаси», «Онанинг энг қисқа хати» ва «Дора Хэйта» каби фильмлар намойиш этилади.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.



ТАБИАТ — МОҲИР ҲАЙКАЛТАРОШ



Оқтоғ тизмаларининг жанубидаги сой бўйида Сангжумон қишлоғи жойлашган. Қишлоқдан тахминан бир чақирим тепада — дарада улкан тош бор. Ажабланарлиси, ушбу харсанг шамолда доимо қимирлаб туради. Бундан ташқари, дарада Тешиктош ҳамда турли ҳайвон шаклидаги харсанг тошлар ҳам бор. Ривоятга кўра, Тешиктош одамларнинг гуноҳи бор-йўқлигини билдирармиш. Кимки ундан ўтолмай қолса — гуноҳи кўп. Ўтиб кетса — гуноҳсиз эмиш. Ҳар йили юртимизнинг турли жойларидан минглаб сайёҳлар она табиатнинг бу мўъжизаларини томоша қилгани келишди.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида жойлашган бу қишлоқда қадимда яшаган одамларнинг тошларга чизган суратлари ҳам сақланиб қолган. Шунингдек, тошларда одам изларига ўхшаш тасвирлар бор. Уни маҳаллий аҳоли "Пайгамбар изи" деб атайд.

Худди шундай тақрорланмас манзара ва табиат ажойиботларини Нурота тоғ тизмаси ён бағрида жойлашган Накурт қишлоғида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқнинг юқори қисмида сервус булоқлар кўп. Ҳар бир сойдан шарқираб сув оқади. Ҳавоси сўлим ва му-

саффо. Қишлоқ атрофида эса ҳайвон ва одам шаклидаги тошлар кўп. Мисол учун, Соритош қояси устида қурбақага ўхшаган катта тош бор. Сал қуйроқдаги кичикроқ тош эса қурбақа боласига ўхшайди. Бу манзара кишида боласини эргаштириб кетаётган қурбақадек тасаввур уйғотади.

Яна бир табиий ёдгорлик. Муртақ дараси тепасида Момотош деб номланувчи катта тош бор. Бу харсанг худди боласини урушга юбориб, қайтишини кута-кута мунгайиб қолган онага ўхшайди. Ушбу манзаларни кўриб, табиатни моҳир ҳай-

калтарошга менгзайсан киши.

Накурт қишлоғининг юқорисида Нурота тоғининг энг баланд қоялари — Бешбармоқ ва Парондоз жойлашган.

Бешбармоқ қояси худди инсоннинг 5 та бармоғига ўхшайди. Бешинчи бармоқ чўққиси тағида катта гор бўлиб, у икки қисмдан иборат. Дастлаб айвон, ундан бўри уясининг оғзидек тешиқдан кенг залга кирилади. 7-8 метр юрилгандан кейин яна кичикроқ каваклар кўринади. Ундан ўтиш қийин. Лекин ушбу каваклардан муттасил шамол эсиб туради. Бу горнинг қаеридадир бошқа оғзи ҳам борлигидан дарак беради.

Бешбармоқ чўққисининг Каттақамишлоқ сайхонлиги томонида минг йиллик арча кўр тўкиб яшнаб турибди. Унинг томирлари ер юзаси бўйлаб 30-40 метр масофада ён-атрофга кетган. Қоронғулсойда кўкка буй чўзган 2 та улкан чинор эса мисоли қишлоқни тоғ шамолдан химоя қилиб турган жуфт қалқонга ўхшайди. Қишлоқ кексаларининг айтишича, шохлари тарвақайлаб кетган чинорларнинг ёши 5-6 асрга тенг.

Бойсун туманининг Панжоб водийсида шу ном билан аталуви кичик қишлоқ бор. Бу қишлоқ тўрт томондан ҳам баландлиги 100-120 метрга тенг тик қоялар билан ўралган. Ана шу қоялардан Панжобга шимоли-ғарбдан тор ва анча тик, узилиб-узилиб қолган ёлғизоёқ йўл тушган. Чўққи тошларига осилиб, гоҳ баландга, гоҳ пастга тушиб, яна тор ва хатарли йўлда давом этади. Пастликка қарасангиз, бошингиз айланиши табиий. Шу боис, фақат олдинга қараб интилган маъқул. Чамаси бир соатлик ҳаракатдан кейин йўл табиий тош зинаполярларга айланади. Ундан пастга сакрай-сакрай текис водийга тушиб, ўзингизни кўрғон ичига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Тева-рак-атрофни ўраб турган улкан қоялар, айниқса, кечалари ой шуъласида жуда ваҳимали кўринади. Гўё юқоридаги жонсиз табиат фалакда осилиб тургандек.

Абдулла МАМАСОДИҚОВ

Етти хазинанинг бири саналган асаларини бежизга оиланинг табиий деб аташмаган. Чунки унинг таркибида инсон учун зарур бўлган витаминлар мавжуд. Асалнинг минг дардга даво эканлигини машхур табобат оламининг султони Ибн Сино ҳам ўзининг ёзма меросида муҳрлаб кетган.

ШИФОБАХШ АСАЛ ҲАҚИДА

Асалдан хотин-қизларини замонавий косметика воситаси сифатида ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Тери қуруқлашиб, юзда ажинлар пайдо бўлганда асал қўшиб тайёрланган ниқоб фойдали. У юз териси рангини тиниқлаштиради. Бунинг учун, 1 ош қошиқ пиёз суви, 1 дона картошка, 0,5 литр сут, 1 ош қошиқ асал кифоя. Ниқобни тайёрлаш учун картошкани сутда қайнатиб олиб, пюре тайёрланади. Шундан сўнг пиёз ва асал пюре билан аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмани юз терисига суртиб, 20 дақиқа кўйилади. Ниқоб янада самаралироқ натижа бериши учун уни минерал сувда ювиш тавсия этилади.

Шунингдек, уй шароитида асалли шампун ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 1 ош қошиқ асал, ярм стакан пиёз суви, 1 ош қошиқ ўсимлик мойи, 1 дона тухум керак бўлади. Айниқса, қуруқ сочларга жуда фойдали бўлган бу воситани тайёрлаш учун кўп вақт кетмайди. Юқорида келтирилган маҳсулотлар аралаштирилиб, сочга суртилади ва 1 соатдан сўнг ювиб ташланади. Сочларга ўзига хос жило берувчи бу восита, фойдали элементларга тўйинтириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Асалдан қўл терисини парваршиладда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун 2 ош қошиқ пиёз суви, 1 дона тухум сариги, 1 ош қошиқ бодом мойи, 1 ош қошиқ асал керак бўлади. Маҳсулотлардан аралашма ҳосил қилиб, қўл терисига суртилади.

Асал ва саримсоқ пиёздан тайёрланган аралашма эса ангина билан оғриган беморларга яхши даводир. Аралашмани тайёрлаш учун саримсоқ пиёзни яхшилаб майдалаб, уни асал билан аралаштирилади ва ҳар 1-2 соатда бемор 1 чой қошиқдан истеъмол қилиши керак. Сурункали йўталда ҳам асалнинг ўзига хос давоси бор. Бунинг учун бир дона лимон шарбати сиқиб олинди, бир ош қошиқ асал, 2 дона тухум қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра унинг устига бир стакан қайнатиб совитилган сув қўшилади. Тайёр бўлган аралашмани томчилаб истеъмол қилиш керак.

Дилафрўз ҒАЙБИЕВА тайёрлади.

Навоий Вилояти

КОРИЗ — СОМОН ЙЎЛИ ДЕМАК

Нурота туманида ҳозиргача сақланиб қолган коризлар бор. Ушбу сув иншоотлари бир пайтлар чорвадорлар учун ҳаёт манбаи сифатида хизмат қилган. Аҳоли бир томони Қизилқум кенгликларига туташиб кетган Нурота яйловларига коризлардан сув чиқариб, деҳқончилик қилишган, боғлар яратишган.



"Кориз" — форсча сўз бўлиб, ко — сомон, риз — йўл, яъни сомон йўли маъносини англатади. Бундай мукамал сув иншоотининг ўша даврларда пайдо бўлишида ота-боболаримизнинг нақадар билим ва тажрибага эга эканликлари яқол кўришимиз мумкин. Ниҳоятда аниқлик билан қазилган коризлар ёрдамида ён атрофдаги қишлоқларга сув чиқарилган. Коризлар асосан кўл кучи билан 18-20 метр чуқурликда қазилган. Уч-тўртта кудуқнинг суви бирлаштирилиб, бир коризга, ундан иккинчисига қуйилган. Шундай қилиб, кудуқларнинг коризларга бириктирилган суви 10-12 чақирим масофага олиб кетилган. Сувнинг бир кориздан иккинчисига ўтиши шундай пухтак билан аниқланганки, бирор жойда тўпланиб

қолишига йўл қўйилмаган. Бунинг учун ишбилармон боболаримиз биринчи кориздаги сувга сомон бўлагини ташлашган. Яхши биламизки, сомон енгил бўлганлиги боис сув юзасида қалқиб сузган. Қаерда оқмай тўхтаб қолса, ўша ердан иккинчи коризни қовлаганлар. Шундай қилиб, оралғи 11 метрдан бўлган ўнлаб коризлар ўта аниқлик билан қазилган. Яна бир эътиборли жиҳати, асосий кудуқлар қазиб бўлингач, сув ифлосланмаслиги, бирор нарса тушиб кетмаслиги учун уларнинг усти ха-шаклар билан ёпиб қўйилган.

Хозирда Нуротада 586 та кориз сақланиб қолган. Тўғри, уларнинг аксарияти кўмилиб кетган. Коризлар хизмат кўрсатиш даражасига қараб, "Бош кориз", "Калта кориз", деб номланган. Хозир ҳам,

гарчи сув чиқмаса-да, "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги худудида 170 та кориз бор.

— Ушбу сув иншоотлари мукамаллиги, ортиқча харажат талаб қилмаслиги билан ҳам бугун бизнинг эътиборимиздан четда қолмаслиги лозим, — дейди Қўйи Зарафшон насос станциялари, энергетика ва алоқалар бошқармаси Нурота туман тик кудуқлари бўлими бошлиғи Азим Қурбонов. — Коризлар фақат кўл кучи ёрдамида қазилса-да, ҳозирги насослардан анча арзонга тушади. Ҳеч бўлмаганда, коризларни тарихий ёдгорлик сифатида муҳофазага олиш зарур.

Нурота — муқаддас жой, "Чашма" ёдгорликлар мажмуасини зиёрат қилиш учун бу ерга дунёнинг кўп мамлакатларидан ташриф буюрувчи саёхатчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ал-

батта, улар зиёрат қилиш билан бирга, бошқа диққатга сазовор жойларга ҳам қизиқишади. Коризларни ҳам кўрсинлар, аждодларимизнинг салоҳияти, билим ва тажрибасидан лол қолсинлар.

Қарийб 200 метр чамаси масофани эгаллаб турган коризларни бирма-бир томоша қиларканмиз, қачонлардир барпо этилган бу ҳаёт манбаидан яқин-яқинларгача сув оққанлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки кудуқ тубининг айрим саёз жойлари намлиқдан қорайиб турарди. Коризларнинг бир-бири билан ер ости йўли орқали боғланиши ҳам тежамкорликнинг бир кўриниши. Чунки ер ости орқали оққан сув ҳавога кам буғланади, ҳарорати бир хилда сақланади.

Исроил ХОЛБОЕВ



«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МҶЗНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МҶЗ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти, Данғара тумани ҳокимининг 2012 йил 14 февралдаги 9-Ф-сонли фармойиши ва 2012 йил 18 февралдаги 74-сонли алоқа хатига асосан такрорий танлов савдосига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 13 (ун уч) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Чойкона биноси қуриш учун, Данғара тумани, Галаба ҚФЙ, Катта Амриобод қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 170 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 62 067 сўм.

2. Пойабзал таъмирлаш устaxonаси қуриш учун, Данғара тумани, Галаба ҚФЙ, Катта Амриобод қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 41 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 969 сўм.

3. Тикувчилик цехи биноси қуриш учун, Данғара тумани, Галаба ҚФЙ, Катта Амриобод қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 66,5 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 24 279 сўм.

4. Сартарошхона биноси қуриш учун, Данғара тумани, Галаба ҚФЙ, Катта Амриобод қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 10 953 сўм.

5. Ҳужалик моллари дўкони қуриш учун, Данғара тумани, Галаба ҚФЙ, Катта Амриобод қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 10 953 сўм.

6. Радио-телевизор таъмирлаш устaxonаси қуриш учун, Данғара тумани, Галаба ҚФЙ, Катта Амриобод қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 10 953 сўм.

7. Гўшт маҳсулотлари дўкони қуриш учун, Данғара тумани, Галаба ҚФЙ, Катта Амриобод қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 10 953 сўм.

8. Чойкона-ошхона биноси қуриш учун, Данғара тумани, Найманча ҚФЙ, Туркман қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 118 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 43 082 сўм.

9. Гўшт маҳсулотлари дўкони қуриш учун, Данғара тумани, Найманча ҚФЙ, Туркман қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 24 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 762 сўм.

10. Савдо дўкони қуриш учун, Данғара тумани, Найманча ҚФЙ, Туркман қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 36 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 13 144 сўм.

11. Сартарошхона биноси қуриш учун, Данғара тумани, Найманча ҚФЙ, Туркман қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 24 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 762 сўм.

12. Дорихона биноси қуриш учун, Данғара тумани, Найманча ҚФЙ, Туркман қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 60 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 21 906 сўм.

